XXVII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

**КПСС нинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини муҳокама қиламиз**

# ХИЗМАТИМИЗ МАЛАКАЛИ БЎЛСИН

**Соғлиқни сақлаш тармоғини янада ривожлантириш, бу соҳани кадрлар билан мустаҳкамлаш, медицина хизмати даражасини ошириш, партиянинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланганидек: «аҳолини ёппасига диспансеризациядан ўтказиш системасини жорий этиш» муҳим социал масалалардан биридир.**

**Областимизда бу ишлар қандай бораётганлиги ҳақида махсус мухбиримиз С. ҲАСАНОВ область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Матлуба Файзуллаевна БЕКНОЗОВАга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:**

### «Тошкент ҳақиқати» мухбири саволларига жавоблар

**— Матлуба Файзуллаевна, ўн биринчи беш йиллик мобайнида соғлиқни сақлаш тармоғининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида қилинган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?**

— Мазкур беш йиллик областда медицина хизматини яхшилашга партия, совет ташкилотларининг ғамхўрлиги ҳар қачонгидан кўпроқ ортганлиги билан характерлидир. Бу вақт мобайнида соғлиқни сақлаш системасининг бюджети аввалги беш йилликка нисбатан 16,3 миллион сўмга ортди ва 1985 йилда 86,5 миллион сўмни ташкил этди. 19 касалхона, 1810 ўринли қўшимча шифохона ва смена давомида 2500 беморга хизмат кўрсата оладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди. 4 та сут маҳсулотлари ошхонаси, 3 та район санитария-эпидемиология станцияси биноси, 16 дорихона қуриб битказилди. Қатор қишлоқ медицина пунктлари, хусусан 43 та амбулатория, 25 та фельдшерлик пункти қулай биноларга кўчирилди. Улар малакали мутахассислар билан таъминланди.

Область даволаш муассасаларининг 280 та санитария машиналари, 7 миллион 848 минг сўмлик медицина аппаратураси ва ускуналари билан таъминланганлиги ҳам бу соҳани равнақ топтиришга эътибор ортганлигини кўрсатувчи ёрқин далиллардир. Моддий базанинг мустаҳкамланиши, медицина хизмати ихтисосликларини кўпайтириш ва такомиллаштиришга замин яратди. Аҳолига кардиология, неврология, офтальмология ва онкология хизмати кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланди. Ангрен шаҳри, Бўка, Коммунистик районларида янги бўлимлар очилди, диагностика, профилактика ҳамда қайта даволаш кабинетлари иш бошлади. Бу жойларда, шу жумладан Калинин райони, Янгийўл шаҳрида аҳолини диспансеризациядан ўтказишда уюшқоқликка эришилди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Оҳангарон районида 60 ўринли наркологик бўлим корпуси қурилади, Олмалиқ шаҳридаги мавжуд наркология маркази эса кенгайтирилади. Ҳамма шаҳар ва районларда наркология постлари ортади.

Область санитария маорифи уйи қошида даволаш муассасаларининг врачларидан иборат лекторлар тайёрлаш курси ташкил этилганлиги ҳам бу борадаги муҳим қадамдир.

Программада «аҳолини... оналар ва болалар соғлиғини сақлаш муассасалари... билан таъминлаш»га алоҳида эътибор берилаётганлиги айни муддаодир. Биз буни халқимизга бўлган навбатдаги ёрқин ғамхўрлик тимсоли деб биламиз.

Шуни алоҳида айтиш керакки, областда соғлиқни сақлашнинг барча тармоқлари ҳали бирдай равнақ топяпти, деб бўлмайди. Қишлоқ шифохоналарида ёш болали оналарни даволаш ишларини кескин яхшилаш зарур. Профилактика ишлари ҳам ҳозирги талаблардан анча орқада. Қишлоқ участка касалхоналари, медицина пунктларида беморларга кўрсатилаётган хизмат даражаси паст. Дори-дармонлар етишмаслиги, антисанитария ҳолатлари тўғрисида меҳнаткашлардан келаётган хат ва шикоятлар буни яққол кўрсатиб турибди.

Баъзи шифохоналар коллективлари ўртасида рўй берган келишмовчиликлар, айрим раҳбарлар орасидаги манманлик, ўзбошимчалик ҳоллари ишимизга катта тўсқинлик қилаётганидан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

**— Ана шу фикрингизни янада ойдинлаштирсангиз. Хусусан область соғлиқни сақлаш бўлими Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш йўлида қандай тадбирларни амалга оширгани ҳақида гапириб берсангиз.**

— Пленум қарори соғлиқни сақлаш органлари ходимлари учун ҳам амалий иш программаси бўлиб қолди. Унинг кўрсатмалари ва талаблари асосида биз раҳбар кадрлар сафини ишчан, ўз-ўзига талабчан, камтар ва пухта мутахассислар ҳисобига мустаҳкамладик. Шифокорлик шаънига доғ туширган, ўз бурчига, қасамёдига хиёнат қилган кишиларга нисбатан жиддий чоралар кўрилди. Масалан, Янгийўл шаҳар стомотология поликлиникасининг врачи Н. Абдуллаев, техниги Т. Сулаймоновлар қимматбаҳо металлдан тиш қуйиш қоидаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ангрен шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи И. Галко эса ишга масъулиятсизлиги, коллективда меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлиги учун вазифасидан четлатилди. Ўз манфаатини ўйлаб медицина товарлари ва дори-дармонлар тақсимотида йўл қўйган қўпол хатолари туфайли Ғалаба районидаги 153-дорихона мудири А. Нурмуҳамедов ҳам худди шундай чорага лойиқ деб топилди.

Область соғлиқни сақлаш бўлими ишда мансабини суиистеъмол қилиб, бошқаларни қақшатган баъзи раҳбарларга нисбатан ҳам муросасиз бўлди. Тошкент гўшт комбинати медицина-санитария қисмининг собиқ бошлиғи Б. Серикбоев адолатсизликка йўл қўйди. У қилдан қийиқ қидириб ўз ходимини ишдан бўшатди. Текширишлар натижасида бош врачнинг қўполлиги, молиявий интизомга ҳам риоя қилмай қўйганлиги ҳақидаги фактлар аниқланди. Манманлик, бошқаларни назар-писанд қилмаслик Б. Серикбоевга қимматга тушди. У ишдан четлаштирилди.

Маълумки, қаерда меҳнат интизоми бўш бўлса, раҳбар кадрлар ишга масъулиятсизлик билан қараса шу ерда одамларга, аниқроғи бизнинг ишда беморларга эътибор сусаяди. Олмалиқ, Чирчиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимларининг айрим шифохоналарида худди шундай фактлар содир бўлди. Натижада меҳнаткашлардан турли ташкилотларга шикоятлар оқими кўпайди. Область партия комитети, область соғлиқни сақлаш бўлимининг бу хатларга алоҳида эътибор билан ёндошишлари натижасида ҳозир аҳвол бир мунча ўзгарди. Эндиликда шифохоналар коллективлари орасида интизом мустаҳкамланиб бормоқда. Биз бундан буён ҳам ўз ишимизни худди шу йўсинда олиб бораверамиз.

**— Сўзингиздан сезилиб турибдики, медицина ходимлари орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, касбига масъулиятни оширишга эътибор кучайтирилган. Бу яхши, албатта. Ана шу талаблар областимиз учун энг масъулиятли бўлган шу кунларда — пахта йиғим-терими мавсумида қандай самара бераяпти?**

— Ҳар йилгидек бу йил ҳам область соғлиқни сақлаш ходимлари йиғим-терим мавсумида меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш борасида актив иштирок этишаяпти. Шаҳар ва райондаги соғлиқни сақлаш бўлимларида махсус штаблар тузилган. Область касалхонаси поликлиникаси ва бошқа йирик даволаш муассасаларида эса зудлик билан ёрдам кўрсатиш группаларини ҳам ташкил этганмиз. Шу кунларда 780 нафар медицина ходими пахтакорларга хизмат кўрсатишга жалб этилган. Районлар марказий касалхоналарида ташкил этилган 15 та кўчма амбулатория график бўйича хўжаликларда бўлиб меҳнаткашларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Бу йил қишлоқ даволаш муассасаларини дори-дармон билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Йиғим-терим мавсумида область хўжаликларига 4000 дан ошиқ универсал, 820 та транспорт учун мўлжалланган, 2820 та оналик ва болалик муҳофазаси учун махсус аптечкалар тайёрлаб берилди.

Хуллас, йиғим-терим мавсумида ҳам, умуман ҳар вақт, уюшқоқлик, юксак интизом ва масъулият билан ишлашни шу кунлардаги жанговар, долзарб вазифа деб биламиз. «Совет кишилари соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг актив умрини узайтириш энг муҳим ишдир. Партия шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг барча хилдаги юқори малакали медицина хизматига эҳтиёжини ҳамма ерда ва тўла қондиришга, бу хизмат сифатини тубдан оширишга эришиш вазифасини қўяди», дейилади Программа лойиҳасида.

Биз шифокорлар партия белгилаб берган ана шу режалар асосида халқимизга ҳар қачонгидан ҳам яхши хизмат қилишга ҳаракат қилаверамиз.



КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кенг ўрин берилган. Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси мутахассислари ҳам Ўрта Осиё республикаларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун янги замонавий техника яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Суратда: бюро тадқиқотчиларидан бир гуруҳи: (чапдан ўнгга) Э. Рефатов, Н. Асанов ва Г. М. Дасов.

В. Зоткин фотоси.

# ТАРБИЯВИЙ ИШНИНГ МАРКАЗИ

### *Шийпонда суҳбатлар*

— Аввал келишиб олганимиздек, бугун КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасининг «Партиянинг иқтисодий стратегияси» бўлими ҳақида суҳбатлашамиз...

Абдураҳим Нодиров шундай дея, дала шийпонига тўпланган пахтакорларга диққат билан разм солиб чиқди. Улар сиёсий ахборотчининг суҳбатини берилиб тинглашарди.

— Программа лойиҳасида ердан фойдаланишни яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини анча ўстиришга эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланган,— давом этди А. Нодиров.— Бу соҳада хўжалигимизда анчагина ишлар қилинмоқда. Кейинги ўн-ўн беш йил ичида пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада ортди. Мана, бригадангиз аъзолари бу йил 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Меҳнат шижоатингиз бу марра албатта эгалланишидан далолат беряпти. Колхозда иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардингиз. Йил бошида эса кўпчилик сизларни қолоқлар сафидан чиқа олмайди, деб ўйлашганди.

Ҳа, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Турсунали Пўлатов бошлиқ 6-бригадаси аъзолари ўтган йили планни бажаролмай доғда қолишганди. Бунинг асосий сабаби коллективда меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлигида эди. Хўжаликнинг бошқа бригадаларида экин майдонларининг асосий қисми уруғ қадашга тайёрлаб қўйилган бир пайтда бу бригадада ерларни энди текислашга киришилаётганди.

Колхоз партия комитетининг мажлисида бригадаларга тайинланган сиёсий ахборотчилар тасдиқланаётганда Абдураҳим Нодировга коллективда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди. У колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлар, партия сиёсий маорифи шохобчасида «КПСС тарихи курси»да пропагандистлик қиларди. Шунга қарамасдан А. Нодиров бу партия топшириғини бажаришга ҳам астойдил киришди.

Сиёсий ахборотчи бир неча кун бригадада бўлиб, аҳволни чуқур ўрганди. Шунда бригада аъзоларининг айримлари ишга хоҳлаган пайтда чиқиб, хоҳлаган вақтда кетишлари маълум бўлди. Тарғиботчи интизомни бузувчиларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб чиқди. Уларнинг айримларини кўпчилик ўртасида изза қилишга ҳам тўғри келди.

А. Нодиров бригада дала шийпонида колхозчиларнинг дам олишлари учун зарур шароитлар яратилиши учун ҳам жонкуярлик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан бу ерга беш километр масофадан электр олиб келинди. Шундан сўнг шийпон шинам безатилди, радио ва телевизор ўрнатилди.

Тарғиботчи бу ерда ҳар уч-тўрт кунда ўтказиб турган суҳбатларида илғорлар тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор берди. Ғўзани суғориш пайтида бу ишда катта тажриба орттирган М. Мирхалилов ва А. Араповларнинг экинни обиҳаётга қондириш соҳасидаги илғор иш усулларини гапириб берди. Сиёсий ахборотчи коллектив ўртасида механик-ҳайдовчилар А. Тўрахонов ва Ш. Ўтаев, чевар теримчилар Г. Пўлатова, З. Мирхалилова, Р. Сулаймоноваларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган кишилар сифатида тилга олади.

— Коллективимизда меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилганлиги ва уни йиғиб-териб олиш яхши йўлга қўйилганлигида тарғиботчимиз Абдураҳим Нодировнинг ҳиссаси катта, деб ҳисоблайман,— дейди бригада бошлиғи Т. Пўлатов.— У пахтакор ва механизаторларимизни фидокорона меҳнатга руҳлантириб турибди.

**А. НОСИРОВА.**

## ХАТЛАРДАН САТРЛАР

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида жамоат ташкилотлари ролини оширишга катта аҳамият берилган. Уларнинг экономикани ривожлантиришга таъсирини кучайтириш мақсадида лойиҳа иккинчи қисмининг «Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини, бошқарув системасини ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш» бўлимидаги «Тежамкорлик, халқ маблағларини омилкорона сарфлаш, ҳар бир сўмдан оқилона фойдаланиш, хўжасизликни тугатиш, ҳар хил унумсиз ҳаражатлар ва нобудгарчиликларни бартараф этиш — умумпартия, умумхалқ ишидир, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир ходимнинг ишидир» деган сўзлардан сўнг **«Юқори хўжалик ташкилотлари ва план органлари бу масалаларни ҳал этишда меҳнат коллективлари, касаба союз ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашишлари шарт»** деган жумлани қўшимча қилишни таклиф этаман.

**А. МАСЛОНОВ,**
**Калинин районидаги Свердлов номли совхоз касаба союз комитетининг раиси.**

— ● —

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасининг «Агросаноат комплексини ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини амалга ошириш» бўлимида «Деҳқончилик ҳосилдорлиги ва барқарорлиги анча оширилсин, шу мақсадда тупроқнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг интенсив технологияларини жорий этиш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилсин» деган сўзлардан сўнг **«Колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш тўла жорий этилсин»** деган жумлани қўшимча қилишни таклиф этаман. Алмашлаб экишнинг экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти эса ҳаммага маълум.

**И. ИКРОМОВ,**
**Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.**

# ОБЛАСТДА ЛЕКТОРЛАР КУНИ

Ҳозир КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўришнинг энг масъулиятли босқичи бошланди. Партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари муҳокама этилмоқда.

Партиянинг съездолди ҳужжатларини пропаганда қилиш ва тушунтиришда оғзаки агитация кадрлари — лекторлар, агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар олдида катта вазифалар турипти. Улар бу муҳим сиёсий кампанияни уюшқоқлик билан ўтказишда партия ташкилотларига ҳар тарафлама кўмаклашишга даъват этилганлар.

Бу ҳужжатларни меҳнат коллективларида кенг пропаганда қилиш ва тушунтириш мақсадида кеча областда лекторлар куни ўтказилди. Тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртларининг олимлари ва ўқитувчилари, «Билим» жамиятининг лекторлари жалб этилди. Улар областимизнинг барча шаҳар ва районларига жўнаб кетишдан аввал область партия комитетидаги семинар-кенгашда иштирок этдилар.

Лекторлар куни қатнашчилари халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, область план комиссиясининг раиси Т. Йўлдошевнинг область халқ хўжалигида ўн биринчи беш йиллик планлари бажарилишининг бориши ҳамда областни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган плани лойиҳаси ҳақидаги докладини тингладилар.

Семинар-кенгашда область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев иштирок этди.

Лекторлар кунида 300 дан кўпроқ тарғиботчи ва ташвиқотчи қатнашди. Меҳнат коллективларида съездолди ҳужжатларини пропаганда қилиш ва тушунтиришда улар билан биргаликда партия комитетларининг докладчилари ва лекторлари, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, «Билим» жамияти аъзолари ҳам иштирок этдилар.

# Бурчимизга содиқмиз

### *Сўз—колхоз партия комитетининг секретарига*

КПСС Устави лойиҳасида коммунистнинг бурчлари ҳар томонлама ва тўлиқ ифодалаб берилган. Лойиҳада ёзилганидек, ҳар бир коммунист партиянинг бош йўлини ва директиваларини қатъият билан, оғишмай амалга ошириши, партиянинг сиёсатини рўёбга чиқариш учун меҳнаткашларни уюштириши, меҳнатга ҳалол, ижодий муносабатда бўлиши, юксак уюшқоқлик ва интизомлилик намунасини кўрсатиши лозим.

Бу ҳаётий талаблардир. Уларга тўла амал қилганда гина ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, умумий юксалишни таъминлаш мумкин. Колхоз партия ташкилоти ўз фаолиятида коммунистлар томонидан Устав талаблари қандай бажарилаётганлигини мунтазам назорат қилиб келяпти. Партком мажлисларида, умумий йиғилишларда Устав талабларини бажариш бўйича коммунистларнинг ҳисоботлари тез-тез тинглаб борилаяпти. Бундай талабчанлик ишимизда яхши самаралар бермоқда.

Коллективимиз партия XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, районда биринчилар қатори давлатга сабзавот сотиш йиллик планни адо этди. Планидаги 6300 тонна ўрнига 6700 тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди. Бу билан мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди.

Бошқа соҳаларда ҳам яхши натижаларга эришмоқдамиз. Давлатга кўзда тутилганидан 30 тонна гўшт, 20 минг дона тухум кўп топширилди. Чорва моллари маҳсулдорлигини кескин ошириб бораётган ферма ходимлари СССР қишлоқ хўжалиги министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар. Қўлга киритилаётган ютуқларнинг ҳаммасида коммунистларимизнинг муносиб ҳиссалари бор.

Йил бошида бир группа коммунистларимиз янги ташаббуслар билан чиқдилар. Абдулҳай Абдуазизов бошлиқ бригада аъзолари чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида гектар бошига 200 центнердан ошириб беда, 500 центнердан озуқа лавлагиси етиштиришга сўз бердилар. Маннон Эркабоев бошлиқ бригада аъзолари эса ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга кўкат экишни таклиф этдилар. Бу билан суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўлида муҳим қадам ташланди. Шуни айтиш керакки, ташаббус бошлаган коммунистларнинг барчаси ўз сўзларининг устидан чиқишди.

Цех партия ташкилотлари меҳнатда илғор, жамоат ишларида актив кишилар ҳисобига коммунистлар сафини кенгайтириб боришга алоҳида аҳамият беряпти, мураббийлар масъулияти тобора оширилмоқда. Шу ўринда КПСС Устави лойиҳасининг бешинчи бандидаги «рекомендация берувчилар рекомендация қилинган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва аҳлоқий хислатларига доир характеристиканинг объективлиги учун партия ташкилотлари олдида жавобгардирлар, уларнинг ғоявий-сиёсий ўсишига ёрдам берадилар», деган сўзлар ниҳоятда тўғрилигини таъкидламоқчиман.

Партия ташкилотимизда рекомендация берувчи коммунист рекомендация қилинган киши учун ҳамиша жавобгардир. Бизда тажрибали коммунистларга партия аъзолигига кандидатлар ёки ёш коммунистларни бириктириб қўйиш яхши анъанага айланган. Масалан, бош агроном Турғун Маҳмудов ёш колхозчи Комилжон Тиллаевга рекомендация берган эди. Шундан сўнг устоз билан шогирд ўртасидаги муносабатлар яна ҳам чуқурлашди. Тажрибали коммунист Т. Маҳмудовнинг ёрдами билан Комилжон Тиллаев бор имкониятларни ишга солди, кандидатлик муддатини муваффақиятли ўтади. Ҳозирги кунда ҳам рекомендация берган коммунист ўз шогирдининг камол топиши устида қайғуряпти. Яқинда К. Тиллаев 9-бригадага бошлиқ этиб тайинланди. Айни пайтда у Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўқишни ҳам давом эттиряпти.

Тажрибали бригада бошлиғи Неъмат Илҳомов эса бригада аъзоси Абдумурод Қувватовга мураббийлик қилмоқда. Н. Илҳомов ўтган йили ўз ташаббуси билан колхозда қолоқ ҳисобланган 1-бригадага ўтиб ишлаш истагини билдирди. Ўз ўрнига эса ёш коммунист А. Қувватовни тавсия этди. Бу ишонч шараф билан оқланмоқда.

Йиғилишларимизда ҳар бир коммунистнинг фаолияти атрофлича муҳокама этилмоқда. Эришилаётган ютуқлар таъкидланган ҳолда йўл қўйилган камчиликлар юз хотир қилмай танқид қилиняпти. Бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида биз коммунист Р. Қосимбековнинг хулқ-атворини муҳокама қилдик. У кейинги пайтларда спиртли ичимликларга ружу қила бошлаган эди. Йиғилиш танқидий руҳда ўтди. Коммунист деган номга доғ туширган Р. Қосимбеков қаттиқ партиявий жазо олди. Аъзолик бадалини ўз вақтида тўламаган коммунист Ф. Илхомовга ҳам шундай жазо берилди.

Устав талаби ҳар бир коммунист учун қонундир. Биз Уставдаги талаб ва қоидаларнинг бузилишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Коммунистлар ўз бурчларига ҳамиша содиқ бўлишга даъват этилгандирлар. Шу боисдан ҳам биз партия йиғилишларида Устав талаблари, партия топшириқлари қандай бажарилаётганлигини мунтазам назорат қилиб турибмиз. Коммунистларимиз Устав лойиҳасини пухта ўрганиб, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яна ҳам чуқурроқ англаб етмоқдалар.

**Д. КАРИМЖОНОВА,**
**Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз партия комитетининг секретари.**

БУРЖУА ПРОПАГАНДАСИ УЙДИРМАЛАРИНИ ФОШ ЭТАМИЗ

# ҚОНУНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Прогрессив йўналишдаги оммавий ахборот воситалари уни шарҳлар экан, лойиҳа коммунистик қурилишнинг барча жиҳатлари объектив суратда ҳисобга олинган ҳолда тузилганлигини эътироф этмоқдалар, уни тинчлик ва бунёдкорлик программаси, деб таърифламоқдалар.

Лекин қилдан қийиқ ахтаришга уринаётган ашаддий антисоветчилар эълон қилинган съездолди ҳужжатларидан социализмнинг қандайдир кризиси деган соҳта хулоса чиқариш пайида бўлмоқдалар. Улар бу уйдирмаларни «асослаш» мақсадида социализмнинг реал ютуқларини камситиб, турмушимиздаги айрим жузъий камчиликларни бўрттириб кўрсатиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиляптилар. Бу «касал» буржуа идеологларига қўндоқда текканлигини яхши биламиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан бери улар совет тузумининг «кризиси»ни каромат қилиб келмоқдалар. Аммо уларнинг даъволари совун кўпигидек йўқ бўлиб кетяпти, Советлар Ватани эса йилдан-йилга қудратли бўлиб бораяпти.

КПСС партия Программасини давр талаби ва тараққиёт қонуниятлари асосида таҳрир қилишга қарор берган экан, бу — биз ўзимизнинг ютуқ ва камчиликларимизга объектив баҳо бера олишимизнинг далолатидир. Олға қараб қилаётган ҳаракатимизнинг турли босқичларида объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олиш керак, албатта. Бу — партия турмушининг ленинча қоидаси ва нормаси.

«Кризис»лар хусусида эса шуни айтиш керакки, Ғарбдаги «советшунослар»га баъзи рақамлар эслатиб қўйилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Масалан, КПСС учинчи Программаси қабул қилинган даврдан кейинги салкам 25 йил мобайнида мамлакатимизнинг миллий даромади 3,8 баравар ошди. Аҳолининг реал даромадлари 2,5 баравар кўпайди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,2 баравар ўсди.

Бу чорак аср давомида совет кишиларининг деярли ҳаммаси ўз турар-жой шароитларини яхшилаб олдилар. Ҳозир шаҳар аҳолисининг 80 проценти ҳамма қулайликларга эга бўлган алоҳида квартираларда яшаяпти. Пенсионерлар, кўп болали аёлларга талай имтиёзлар берилди. Меҳнаткашларнинг иш ҳақи ошиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, совет жамияти планли ривожланиб бормоқда. Кризислар аксинча капитал дунёсини ларзага солаяпти. Ривожланган капиталистик мамлакатларда ишсизлар сонининг кўпаяётганлиги, пулнинг қадрсизланиши, бошпанасизлар сони ортаётганлиги, давлат қарзининг мисли кўрилмаган суръатларда ўсиб кетганлиги бунинг далилидир.

Юқоридаги мисолларнинг ўзи буржуа пропагандасининг социалистик қурилишда қандайдир «кризис» рўй берди, Компартия ўз программасини ўзгартиришга мажбур бўлди, деган уйдирмалари ғирт туҳматдан бошқа нарса эмаслигини исботлайди. Социализм капитализмдан фарқли ўлароқ кризисларсиз жамиятдир. Тараққиёти босқичларида унинг стратегия ва тактикасининг такомиллашуви замон тақозосидир. Мафкуравий муҳолифларимиз эса эски «касал»лари ҳуружга мингач, ойни этак билан ёпишга, ҳақиқатни бузиб кўрсатишга тиришиб ётибдилар. Бироқ уларнинг уринишлари беҳуда. Буржуа идеологларининг уйдирмаларига қарамай, биз коммунизм манзили сари ҳаракатимизни давом эттираверамиз.

**Ш. ҚОСИМОВ,**
**тарих фанлари кандидати.**

